



Ичимликка пуфлаш ёки унинг ичига нафас чиқаришдан қайтариш:

Абу Саид ал-Худрий розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам ичаётганда пуфлашдан қайтардилар. Бир киши: «Идиш ичида чўп-гард кўрсам-чи?», деган эди «Тўкиб юбор», дедилар. «Мен бир нафасда қонмайман», деган эди, «Ундай бўлса, қадахни оғзингдан узоқлат, (сўнг нафас чиқар)», дедилар (Имом Термизий ривояти).

Абу Саид ал-Худрий розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам ичаётганда пуфлашдан қайтардилар. Бир киши: «Идиш ичида чўп-гард кўрсам-чи?», деган эди «Тўкиб юбор», дедилар. «Мен бир нафасда қонмайман», деган эди, «Ундай бўлса, қадахни оғзингдан узоқлат, (сўнг нафас чиқар)», дедилар (Имом Термизий ривояти).

Абу Қатода розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам идиш ичига нафас чиқаришдан қайтардилар (Имом Муслим ривояти).

Абу Қатода розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам идиш ичига нафас чиқаришдан қайтардилар (Имом Муслим ривояти).

Ичимлигига пашша тушган кишига йўл-йўриқ:

Абу Саид ал-Худрий розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам идиш ичига нафас чиқаришдан қайтардилар (Имом Муслим ривояти).



Ислом Нури

□□□□□□□□).

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Бирортангизнинг идишига пашша тушиб қолса, уни тўла ботирсин кейин ташлаб юборсин. Чунки, унинг бир қанотида шифо, иккинчи қанотида касаллик бўлади» (Имом Бухорий ривояти).

Шарҳ:

Биринчи ҳадисда «Тўкиб юбор» дан мақсад, ичимликнинг ҳаммасини эмас, балки, ўша чўп-гард бор томонини мойил қилиб то ўша нарса тушиб кетгунча тўкади.

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам ичиш асносида идишга нафас чиқаришдан, шунингдек, унга пуфлашдан қайтарганлар. Чунки бунда сихат-саломатликка зарар бўлишидан ташқари, бошқа биров ичмоқчи бўлса, кўнгли тортмай ҳам қолади.

Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам ичимликка пашша тушиб қолса, уни бир ботириб, кейин олиб ташлашга йўлладилар, чунки у бир қанотида касаллик олиб юрса, иккинчи қанотида ўшанга шифо олиб юради. Бизга унинг қайси қаноти ичимлигимизга теккани ноаниқ бўлгани боис уни тўлалигча ботириб кейин олиб ташлашга буюрилдик. Теккани касалиги бор қанот бўлса, уни тўла ботиришдан мақсад шифоси бор қанотни ҳам теккизиш эди. Мабодо бунинг акси бўлган бўлса, ботириб олиш билан кўнги таскин топади. Ушбу ҳақиқатни бугунги тиббиёт ҳам тасдиқлади. Бу масалада нозик табиатлик кетмайди. Агар кимки шундай қилиб, қошиқнинг учи ёки бармоқ учлари билан пашшани чиқариб ташласа, пировардида бирон



дардга чалиниб қолса, ўзидан кўрсин.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1. Ичимликка пуфлаш макруҳ;
2. Ичимлигида чанг-чунг ё хас-хашак кўрган одам уни пуфламасдан бир оз сувни тўкиб юборади;
3. Ичиш асносида нафас олмоқчи бўлса, идишни оғзидан узоқлатиб нафас олади;
4. Пашша ичимликни нажосатга айлантириб қўймайди, уни бир ботириб, сўнг олиб ташланади.